

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАКСЫМУРАТОВ КАРАМАТДИН МУСТАПАЕВИЧ**

**ЕРОСТИ СУВЛАРИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ФАОЛ  
СУВ АЛМАШИНУВИ ЗОНАЛАРИНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК  
ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Джаксымуратов Караматдин Мустапаевич**

Ерости сувларидан комплекс фойдаланиш учун фаол сув  
алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини баҳолаш  
(Қорақалпоқ Устюрти мисолида)..... 3

**Джаксымуратов Караматдин Мустапаевич**

Оценка гидрогеологических условий зон активного  
водообмена для комплексного использования подземных вод  
(на примере Каракалпакского Устюрта)..... 26

**Dzhaksymuratov Karamatdin Mustapayevich**

Assessment of hydrogeological conditions in active water exchange  
zones for integrated use of groundwater (on the example of the  
Karakalpak Ustyurt)..... 49

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**ДЖАКСЫМУРАТОВ КАРАМАТДИН МУСТАПАЕВИЧ**

**ЕРОСТИ СУВЛАРИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ФАОЛ  
СУВ АЛМАШИНУВИ ЗОНАЛАРИНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК  
ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/GM55 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.hydroengeo.uz](http://www.hydroengeo.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Закиров Мираббас Мирсаатович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Ботиржон Дадажонович**  
геология-минералогия фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Джуманов Жамолжон Худойкулович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Шоймуратов Туйчи Халикулович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

«Ўзбекгидрогеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «11» май куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй, G блок, 215 х.; Тел.: (+99871) 262-75-92, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru)).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (55 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй, G блок. Тел.: (+99871)262-75-92, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «25» апрель куни тарқатилди.  
(2023 йил «25» апрелдаги 3- рақамли реестр баённомаси).



**А.А.Мавлонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., катта илмий ходим

**М.Р. Жураев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

**И.Х.Хабибуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кескин континентал ва қурғоқчил иқлимга эга мамлакатларида аҳолини сифатли ичимлик суви, саноатни эса техник сув билан таъминлаш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, атмосфера ёғинлари жуда кам бўладиган ҳудудларда ҳамда локаллаштирилган территорияларда сувлар тўпланишининг геологик ва гидрогеологик шароитларини ўрганиш, улардан мунтазам фойдаланиш учун сақлашни йўлга қўйиш, аҳолини сифатли ичимлик ва техник сувлар билан таъминлаш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, чўлларда ёғингарчилик ва ерости сувларидан комплекс фойдаланиш учун фаол сув алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини баҳолаш иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳалари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугунги кунда ерости сувларидан комплекс фойдаланиш учун фаол сув алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини баҳолаш бўйича устувор илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: ерости сувлари тарқалишининг асосий қонуниятлари ва динамикаси; геохимёвий элементларнинг чуқурлик бўйича ҳам эркин шаклда, ҳам ерости сувлари билан бирга конвектив миграциясини ўрнатиш; фаол сув алмашинуви зонасида чучук ерости сувлари захираларини сунъий шакллантириш йўллариининг ўзгаришларини моделлаштириш ва таҳлил қилиш усуллариини ишлаб чиқиш; қурғоқчил ҳудудларда ерости сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш характери ва механизмини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида чўл зоналаридаги тақир ости сувларининг вақтинчалик ер усти оқимидан фойдаланиш ҳисобига чучук грунт сувлари линзаларини шакллантиришнинг назарий қоидаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудуднинг ичимлик ва техник сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун турли даражада тузилган геолого-литологик, гидрогеологик ва геоэкологик хариталарга асосланган ҳолда ерости сув ресурсларини излаш ва оқилона фойдаланишга қаратилган гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Фавқулода вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Бу борада тақир ости сувларини баҳолаш ҳамда фаол сув алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини ўрганиш учун уларнинг схематик гидрогеологик ва геоэкологик хариталарини яратиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПФ-4889-сон «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ҳар йили илм-фаннинг бир қанча устувор тармоқларини, шу жумладан геология соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни аниқлаш ва ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мос келади.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Фаол сув алмашинуви зоналарида ерости сувларини режимли кузатиш ишларини ўтказиш ва уларни баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Environmental Satellite Data and Information Service – (NESDIS), Чўллар илмий-тадқиқот институти, Невада штати олий таълим тизими ўқув муассасаси (АҚШ); Москва давлат университети Гидрогеология кафедраси, Е.М. Сергеев номидаги геоэкология институти (Россия); Исфаҳондаги Эрон давлат университети (Эрон); «ИНТЕРРИН» МЧШ илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, Д.А.Кунаев номи кончилик институти (Қозоғистон); «ГИДРОИНГЕО институти» давлат муассасаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Фаол сув алмашинуви зоналарини гидрогеологик шароитини ўрганишнинг хилма хил муаммолари, геоморфологияси, литологияси, таъсир чуқурлиги ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: чўл ҳудудларининг гидрогеологик шароитлари ўрганилиб регионал чуқур ёриқлар, ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ёриқ зоналарининг роли баҳоланган (Чўллар илмий-тадқиқот институти, Невада, АҚШ); Ерости

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга шарҳлар асосида амалга оширилади:

<https://link.springer.com/article>; <https://docslide.net/documents/1-earthquake-hazard-and-risk-assessment-unisdr-hazard-fnd-risk-assessment-key/html>; <https://dx.doi.org/104236/ojer> ва бошқа манбалар.

сувлари оқимларини гидрогеодинамик баҳолаш учун оқимнинг геофилтрацион модели ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Россия); пра-Амударёнинг аллювиал ётқизикларида, Бадхиз ва Қорабил неоген-тўртламчи давр ётқизикларида йирик кум ости чучук сувлари линзалари шаклланиш назарияси ишлаб чиқилган (Международный университет нефти и газа, Туркменистон); турли хил термал минерал сувларининг шаклланишини ўрганиш ва баҳолаш орқали экзоген ва эндоген жараён ва ҳодисаларнинг ривожланишини башорат қилинган ва олдини олиш муаммолари аниқланган (И. Раззаков номидаги Қирғизистон давлат техника университети, Қирғизистон); ерости сувлари гидрогеокимёвий таркибини махсус мониторинг ишларини олиб бориш методологияси ишлаб чиқилган ҳамда ерости сувлари компонентларининг миграциясига таъсир этувчи омиллар аниқланган (Сейсмология институти, Ўзбекистон).

Дунёда фаол сув алмашинуви зоналарининг шаклланиш хусусиятлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, фаол сув алмашинуви зонасини ажратиш, чегаралаш ва хариталаш методологияларини илмий асосини яратиш; атмосфера ва ер усти сувлари миграцияси қийматининг назарий асослари ва уни аниқлаш дастурларини ишлаб чиқиш; қурғоқчил зоналардаги тақир ва тақир ости сув оқимларини олишнинг муҳандислик иншоотлар ишчи модели дастурини ишлаб чиқиш; фаол сув алмашинуви зонасини оператив баҳолаш учун неоген-тўртламчи давр ётқизиклари нурашининг уч зонали принципиал схемасини ишлаб чиқиш ҳамда жараён ва ҳодисалар тарқалиш майдонининг схематик харитасини тузиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Устюрт ерости сувларининг биринчи умумлаштирувчи тадқиқоти О.С.Вяловнинг «Устюртнинг гидрогеологик очерки» илмий иши ҳисобланади. 1960-1972 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган ерости сувлари гидрогеологик съёмкаларида гидрогеологик кесимнинг юқори қисмларига алоҳида аҳамият қаратилган (В.А.Гейнц, Г.А.Мавлянов, Х.Т.Туляганов, Н.Н.Ходжибаев, В.Г.Тихомиров, А.М.Акрамходжаев, К.С.Садыков, Г.Г.Куликов, А.С.Вишняков, В.Н.Соколов, В.В.Красников ва б.).

Россия Фанлар академиясининг Сибирь филиали Геология институтида А.М.Плюснин ва С.Л.Шварцевлар томонидан турли гидрогеокимёвий тизимлардаги ўзаро таъсирларни ўрганиш ва сонли моделлаштириш асосида уларнинг антропоген таъсирга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида тоғ бурмали ҳудудлар ерости сувларининг кимёвий таркиби шаклланишининг геокимёвий хусусиятлари ўрганилган.

Ҳозирги кунда Қорақалпоқ Устюрти ҳудудида «ИГИРНИГМ» АЖ ва «Ўзбекгидрогеология» ДУК, «ГИДРОИНГЕО институти» ДМ илмий-тадқиқот институтлари ва Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институти олимларининг методик раҳбарлигида фундаментал ҳамда амалий гидрогеологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, яйловларни хўжалик-ичимлик ва техник сув билан таъминлаш манбалари аниқланган. Марказий Устюрт ва Жанубий Устюрт артезиан

хавзаларида бўр ва неоген даври ётқизиқлари ер ости сув ресурсларини башоратли баҳолаш учун регионал гидрогеологик тадқиқотлар олиб борилди, фаол сув алмашинуви зонаси ерости сувлари гидрогеокимёвий таркибининг ўзгариши ўрганилди (Г.Г.Куликов, А.С.Вишняков, Х.Р.Дустходжаев, В.Н.Соколов, В.В.Красников, Ф.М.Мирюсупов, Ш.Ш.Алымов, Г.Р.Есенбаев, Г.Оразбаева, М.Отеулиев, А.Айтмуратов, А.Бекмуратов, А.Кадирбаев, М.М.Закиров, К.М.Джаксымуратов, С.Габбаров, А.А.Отелбаев, Н.П.Самендеров ва б.).

Кейинги йилларда эришилган натижаларга қарамасдан, Қорақалпоқ Устюртида атмосфера ёғинлари юзаки оқимларини ер остида тўплаш, жойлашиш шароитларини аниқлаш ва ундан фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ерости сувларидан комплекс фойдаланиш учун фаол сув алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини баҳолашда гидрогеологик кесимнинг юқори қисмидаги фаол сув алмашинуви зоналарини таҳлил қилиш, табиий фильтрация режими шароитида тақир ости сувларининг назарий моделини ишлаб чиқиш, неоген-тўртламчи давр ётқизиқлари тақир сувларининг тарқалиш, сарфланиш майдонларини ва оқим ореоллари ҳосил бўлиш жараёнларидаги аҳамиятини баҳолаш ҳозирга қадар муаммолигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-11 «Қорақалпоғистоннинг шимолий-шарқий қисмида грунт сувлари каналбўйи линзаларининг ҳозирги вақтдаги тарқалиш зоналарини аниқлаш» (П-11.2.17-сонли шартнома, 2003-2005 йиллар); «Қизилқум чўли, Устюрт платосида атмосфера ёғинларининг юзаки оқимларини ер остида тўплашни такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш бўйича экспериментал-услубий ишлар натижалари» (03-76/42 -сонли, Тақир ГТП, 2003-2005 йиллар); «Неоген ва бўр даври ётқизиқларининг прогноз қилинаётган ер ости сув ресурсларини баҳолаш мақсадида Марказий Устюрт артезиан хавзаси доирасидаги регионал гидрогеологик тадқиқотлар» (14-217/31-сонли, Марказий Устюрт ГТП, 2014–2018 йиллар); «Неоген даври ерости сувларининг башоратланган ресурсларини баҳолаш ва бўр даври ётқизиқларининг сувлилигини аниқлаш мақсадида Жанубий Устюрт артезиан хавзасида регионал гидрогеологик тадқиқотлар» (Жанубий Устюрт ГТП, 2019–2022 йиллар) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ерости сувларидан комплекс фойдаланиш учун Қорақалпоқ Устюртининг фаол сув алмашинуви зоналарининг гидрогеологик шароитини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоқ Устюрти гидрогеологик кесимининг юқори фаол сув алмашинуви зоналари ерости сувлари ҳақидаги мавжуд тушунчаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ГАТ-технологияларини қўллаб, табиий фильтрация

режими шароитида тақир ости сувларининг фаол сув алмашинуви зоналарини фазовий ажратиш ва параметрлаштириш методологиясини такомиллаштириш;

Қорақалпоқ Устюртининг фаол сув алмашуви зоналарида табиий, геологик-гидрогеологик ва тектоник омилларнинг ерости сувларига таъсирини асослаш ҳамда неоген-тўртламчи давр ётқизиқлари тақир сувларининг тарқалиш, сарфланиш майдонларини ва оқимининг ўзгаришини юзага келтирувчи омилларни белгилаш;

фаол сув алмашинуви зонасида тақир ости сувлари оқими шаклланишининг чегаравий шартларини аниқлаш ҳамда атмосфера ва тақир ости оқимининг миграция чуқурлиги –  $l_k$  қийматини назарий жиҳатдан асослаш;

Қорақалпоқ Устюрти неоген-тўртламчи давр ётқизиқлари ерости сувларининг сатҳ чуқурлиги ва минерализацияси схематик харитасини, геологик ва гидрогеологик жараён ва ҳодисаларнинг тарқалиш схематик харитасини ҳамда ҳудуднинг замонавий геоэкологиясини ва табиий шароитларини акс эттирувчи схематик геоэкологик хариталарини тузиш;

фаол сув алмашинуви зоналарида тақир оқими ва тақир ости сувларидан оптимал фойдаланиш учун муҳандислик иншоотларининг ишчи модели яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоқ Устюрти фаол сув алмашинуви зоналаридаги тақир ва тақир ости оқим сувлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тақирлар ва тақирсимон тупроқлар ҳолатига ва тарқалиш шароитларига таъсир қилувчи гидрогеологик ҳамда геологик-тектоник омиллар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда гидрогеологик ва мониторинг тадқиқотларида қўлланиладиган анъанавий усуллар, шу жумладан ерости сувлари геохимёвий таркибининг дала ва лаборатория тадқиқотлари, адабиёт маълумотлари билан тўлдирилган ўз тадқиқотимиз материаллари, фаол сув алмашинуви зоналарининг ерости сувлари тарқалиш қонуниятларининг хусусиятларини назарий умумлаштириш усулларида ҳамда фаол сув алмашинуви зоналари ерости сувларининг турли хариталари ва фильтрация моделини тузиш учун махсус ГАТ дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоқ Устюртининг тақир ости сувлари фаол сув алмашинуви зонасини фазовий ажратиш ва параметрлаштириш методологияси такомиллаштирилган;

Қорақалпоқ Устюртининг эркин сув алмашинуви зоналарида табиий, геологик-гидрогеологик ва тектоник омилларнинг ерости сувларига таъсири асосланган;

фаол сув алмашинуви зоналари учун атмосфера ёғинлари ва тақир ости оқимининг миграция чуқурлиги –  $l_k$  қийматини аниқлаш назарий жиҳатдан асосланган;

Қорақалпоқ Устюрти учун неоген-тўртламчи давр ётқизиклари нурашининг принципиал схемаси ишлаб чиқилган;

фаол сув алмашинуви зоналарида тақир оқими ва тақир ости сувларидан оптимал фойдаланиш учун муҳандислик иншоотларининг ишчи модели яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Қорақалпоқ Устюртининг Уру участкаси фаол сув алмашинуви зонасида тақир оқими ва тақир ости сувларидан фойдаланиш учун янги муҳандислик иншоотларининг ишчи моделини яратиш асосланган;

Қорақалпоқ Устюртида геологик ва гидрогеологик жараён ва ҳодисалар тарқалишининг схематик харитаси тузилган;

тузилган Қорақалпоқ Устюртида геологик ва гидрогеологик жараён ва ҳодисаларнинг тарқалиш схематик харитаси асосида ёриқлар ҳамда структуравий кўтарилишлар ва ботиқликлар зоналари ўрганилаётган худуддаги геологик ва гидрогеологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг ҳам майдон бўйлаб, ҳам чуқурлик бўйича асосий йўналишларини белгилаб берувчи табиий чекловчилар эканлиги аниқланган;

Қорақалпоқ Устюрти неоген-тўртламчи давр ётқизиклари нурашининг принципиал схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Қорақалпоқ Устюрти худудида ўтказилган рекогносцировка, гидрогеологик ва мониторинг тадқиқотлари пайтида олинган фактик материаллар билан тасдиқланган, ерости сувларидан олинган катта 1200 та намуналар, гидрогеологик ва гидрогеокимёвий кўрсаткичларни 23 та кудуқлардан ўлчаш ва баъзи ҳолларда экологик, метеорологик, техник ва бошқа маълумотларни тўплаш билан асосланган; намуналар олиш, уларни қайта ишлаш ва якуний натижаларни солиштиришни боғловчи ягона ёндашув қўлланилган. Аналитик ишлар лаборатория, кимёвий элементларни далада аниқлаш ва экспериментал тадқиқотларни ўз ичига олган. Маълумотларни қайта ишлаш геологик-гидрогеологик маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий миқдорий усуллари, ГАТ-технологияларида фильтрацион моделлаштиришни қўллаш ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақирлар, тақир ости чучук сувлар захираларини сунъий тўлдиришни асослаш учун илмий гидрогеологик асос шакллантирилди, бу эса ўз навбатида чучук ерости ва юзаки сувларни тўплаш ҳамда сақлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сунъий тўлдиришнинг илмий гидрогеологик асоси фаол сув алмашинуви зонасидаги тақир ости чучук сувларининг янги захираларини яратишни таъминлайди ҳамда ўхшаш геологик-гидрогеологик шароитли бошқа худудларда истикболли фойдаланишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ Устюртининг фаол сув алмашинуви зоналарида ерости сувларининг

гидрогеологик шароитларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тақир ости сувлари фаол сув алмашинуви зонасини фазовий ажратиш ва параметрлаштиришнинг асосланган методологияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани яйлов ва чорвачилик хўжалиги фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аграр, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалалари бўйича Қўмитасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 06-732-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоқ Устюртининг Уру участкасида тақир ости сувларининг фаол сув алмашинуви зонасини ажратиш имконини берган;

фаол сув алмашинуви зонасида тақир ости сувлари оқими ҳосил бўлишининг чегаравий шартларини аниқлашнинг таклиф қилинган усули ҳамда атмосфера ва ер усти оқимининг миграция чуқурлиги –  $l_k$  қийматининг назарий асосланган аниқланмаси Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани яйлов ва чорвачилик хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аграр, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалалари бўйича Қўмитасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 06-732-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоқ Устюртининг шароити ўхшаш худудлар учун Уру участкасида ўтказилган экспериментларни самарали қўллаш имконияти яратилган;

Қорақалпоқ Устюрти учун ишлаб чиқилган неоген-тўртламчи давр ётқизиқлари нурашининг принципал схемаси Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани яйлов ва чорвачилик хўжалиги фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аграр, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалалари бўйича Қўмитасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 06-732-сон маълумотномаси). Натижада, эркин сув алмашинуви зоналаридаги тақирлар атмосфера оқимлари ва тақир ости сувлари тўпланувчи табиий сақлагич бўлиб хизмат қиладиган нураш зоналарини аниқлаш имконини берган;

шакллантирилган чучук ерости сувлари захираларини сунъий тўлдиришни гидрогеологик асослашнинг илмий асоси ва яратилган муҳандислик иншоотларининг ишчи модели Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани яйлов ва чорвачилик хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аграр, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалалари бўйича Қўмитасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 06-732-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоқ Устюртида ичимлик суви, саёз воҳаларни суғориш, чорва молларини суғориш, шунингдек, нефть ва газ қазиб олувчи ташкилотларнинг техник эҳтиёжлари учун яроқли чучук сув манбаларини яратиш учун фаол сув алмашинуви зоналарида тақир оқими ва тақир ости сувларидан оптимал фойдаланишни асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий қилиниши очиб берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ Устюртининг фаол сув алмашинуви зоналарида ерости сувларини тадқиқ қилиш муаммоси ҳолати**» номли биринчи бобида хорижий ва республика тадқиқотчиларининг Қорақалпоқ Устюрти ҳудудининг гидрогеологик ўрганилганлиги бўйича адабий манбаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижалари келтирилган. Ўзига хос геологик-тектоник тузилиши, геоморфологияси, жуда чуқур ва сувсиз ботиқликларнинг мавжудлиги, шунингдек, хилма-хил ҳайвонот дунёси билан ажралиб турадиган Қорақалпоқ Устюрти қадимдан тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Шу билан бирга, ўрганилаётган ҳудуднинг геологик, гидрогеологик, геоморфологик, тупроқ-иқлимий шароитлари тўғрисидаги маълумотлар анча кейинроқ олинган. Физик-географик шароитлар ва геологик тузилиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар узук-юлук бўлиб, маршрут-рекогносцировка характериға эга эди. Тарихий маълумотлардан маълумки, Устюрт платоси ҳудудининг илк ер тавсифи П асрда Клавдий Птолемей томонидан тузилган. Платонинг ерости сувлари ҳақида маълумот эса анча кейинроқ олинган.

К.С.Садыков, А.С.Вишняков ва бошқа муаллифлар “Манғишлоқ-Устюрт нефть-газли провинциясининг ерости сувлари” китобида Манғишлоқ ва Устюрт платосининг ерости сувлари ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқдилар, Жанубий Устюртнинг диссертант тадқиқ қилаётган қисми ҳам шу ҳудудга тегишли. Бу ишда ўша даврнинг энг сўнгги маълумотлари асосида ерости сувларининг табиий ва эксплуатацион ресурслари ҳамда улардан Манғишлоқнинг яйлов ҳудудларини техник ва ичимлик суви билан таъминлаш, сувлантириш ва воҳаларни суғоришда фойдаланиш имкониятлари баён этилган. Шунингдек, Устюрт платосининг

Шахпахта, Шимолий Асакаовдон, Николаев, Узункуй, Агиниш, Марказий Асакаовдон ва Фарбий Шахпахта каби тузилмаларининг миоцен ётқизиклари ерости сувларининг миқдорий характеристикалари келтирилган.

1975 йилда Г.В. Куликовнинг «Устюрт артезиан ҳавзаси» номли монографияси нашрдан чиқди. Унда Устюрт артезиан ҳавзаси бўйича (1:500000 масштабга нисбатан) катта ҳажмдаги фактик материалларни илмий умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари келтирилган бўлиб, улар Устюрт ерости сувларининг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари ва динамикаси хусусиятларини, турли гидрогеологик шароитларда улар ресурсларининг шаклланишини аниқлаш имконини берди.

1976 йилда Х.Х.Анорходжаев, А.Палибековларнинг “Қорақалпоғистон мезозой ётқизикларининг литологияси, геохимияси ва фойдали қазилмалари” номли монографик асари чоп этилди. Унда Қорақалпоғистон ҳудудининг геологик тузилиши ва мезозой ётқизикларининг моддий таркиби масалалари кўриб чиқилган.

1976-1978 йилларда С.В.Викторов, Л.М.Лясковская Устюрт платосида Ўзбекистон Устюртининг гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитлари ҳақида кўшимча маълумотлар олиш мақсадида ландшафт-индикацион усулларида фойдаланишни асослаш бўйича иш олиб бордилар. Илмий ишда ландшафт кўрсаткичлари, яъни Устюрт рельефи ва ўсимлик қоплами хусусиятларининг уйғунлиги баён этилган бўлиб, улар ёрдамида аэрофотосуратларда ва майдонда грунтларнинг гранулометрик таркиби ва шўрланишини, грунт сувларининг ётиш чуқурлиги ва минерализация даражасини тахминий баҳолаш мумкин.

2014-2018 йилларда Н.П.Самендеров, Т.Б.Алланиязов Марказий Устюрт ГГП таркибида (2014–2018 йй.) неоген ва бўр ётқизиклари ерости сувларининг башоратли ресурсларини баҳолаш учун Марказий Устюрт артезиан ҳавзаси ҳудудида регионал гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бордилар. Олдинги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, орографик тармоқнинг юқори зичлиги ҳудуддаги мос участкаларда серсувликнинг камайишига олиб келади. Диссертация ишида фаол сув алмашинуви зонасидаги сувли қатламлар ва комплексларнинг серсувлигига таъсир қилувчи омилларнинг намоён бўлиш табиатига кўра, уларнинг ҳудудий ўлчамларидаги фарқларини кўрсатиш учун, «регионал» ва «локал» тушунчаларга умумлаштирилди. Ушбу бўлиниш шартли равишда амалга оширилади, чунки объектларни локал ёки регионал деб таснифлаш мумкин бўлган градация ишлаб чиқилмаган.

Ҳудуд гидрогеологик жиҳатдан кам ўрганилган шароитда, унинг геологик, структуравий-тектоник, геоморфологик тузилиши ва ёгингарчиликнинг ҳудуд бўйлаб тақсимланиш хусусиятларини билган ҳолда, тоғ жинсларининг серсувлиги турлича бўлган майдонларни ажратиш мумкин. Ва аксинча, ҳудудлардаги тоғ жинсларининг серсувлиги ҳақида маълумотга эга бўлган ҳолда, унинг структуравий-тектоник тузилишини маълум даражада ишонччилик билан тавсифлаш мумкин. Бундай имкониятларга мисол қилиб, Г.А.Максимович ва Г.К.Михайловларнинг тадқиқотини келтиришимиз мумкин, унда айниқса ҳозирги вақтда тектоник фаол локал структуравий

кўтарилишлар, ёндош участкалардагиларга нисбатан тоғ жинсларининг кучли дарзланганлиги билан тавсифланади. Тахминан бир-хил иқлимий ва литологик-петрографик шароитларда, бундай кўтарилмалардаги ер ости оқими модули кўшни моноклинал участкалардагига қараганда 2-3 баравар юқори бўлади.

В.Н.Сафонов ўрмон ва ўрмон-дашт ландшафтлари артезиан ҳавзаларининг чекка қисмларида эркин сув алмашинуви зонасининг худудий дифференциацияси ва ландшафт-гидрогеологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини геоэкологик баҳолашни амалга оширди. Бунда, ландшафтлар ва эркин сув алмашинуви зонасининг хусусиятлари ва ўзаро боғлиқлиги ўрганилди, шунингдек, Мордовия (Россия) худудида сув хўжалиги лойиҳаларини асослаш мақсадида эркин сув алмашинуви зонаси тузилишини таҳлил қилишнинг услубий усуллари ишлаб чиқилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида И.К.Зайцев гидрогеология нуқтаи назаридан иккита гидродинамик қаватни ажратади: 1) эркин ва қийин сув алмашинуви зоналарини ўз ичига олган юқори қават; 2) жуда қийин сув алмашинуви зонасини ўз ичига олган пастки қават. У шунингдек, ушбу таснифни Л.Г.Заварзин таклиф қилган артезиан ҳавзалари ва седиментация босқичларининг инфильтрацион тўйиниш даврлари учун ҳам татбиқ этади. Бу икки давр бир-биридан тубдан фарқ қилади: инфильтрация босқичлари даврларида ҳавзаларнинг вертикал кесимлари учта гидродинамик зонанинг мавжудлиги билан тавсифланади (эркин, қийин ва жуда қийин сув алмашинуви); седиментация босқичлари даврларида ҳавзалар инфильтрацион тўйина олмайдилар ва фақат жуда қийин сув алмашинуви зонасининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, биринчи боб бўйича қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Қорақалпоқ Устюртининг турли худудларидаги фаол сув алмашинувининг ер ости сувларини гидрогеологик ўрганиш учун уларнинг шаклланиш, вужудга келиш ва эксплуатация шароитлари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва ушбу худудлар гидрогеологик тадқиқотларини умумлаштирувчи таҳлиллар ўтказиш талаб этилади.

2. Қорақалпоқ Устюртида фаол сув алмашинуви зонасини, гидрогеологик қатламланишни аниқлаш ва чегаралаш, ерости сувларининг минерализацияси ва миграцион хусусиятларини, табиий-иқлим шароитлари ва ҳароратини ўрганиш учун гидрогеологик тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

3. Ўрганилаётган регионда гидрогеологик ва геологик-тектоник тадқиқотлар фаол сув алмашинуви зонасидаги тақир оқими ва тақир ости сувларини муфассал ўрганишни бошлаш учун етарли ҳажмда олиб борилган.

Диссертациянинг «**Ўрганилаётган худудда ерости сувларининг ҳосил бўлиш омиллари**» номли иккинчи бобида табиий омилларнинг ерости сувларининг шаклланишига таъсири баҳолашиб, улар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш гидродинамик ва гидрогеокимёвий жараёнларнинг барча мураккаб қирраларини очиш имконини беради. Плато ландшафтининг ўзига хос хусусиятлари – бу

фавкулудда куруклик ва континенталлик, рельефнинг кучсиз табақаланганлиги ва ер усти доимий сув оқимларининг йўқлиги, сийрак ўсимлик қоплами ва тупроқ-грунтларнинг шўрланиши ҳисобланади. Табиийки, бундай табиий шароитда физик-географик омиллар гидрогеологик шароитнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади ҳамда ерости сувлари ва ерости оқими тўйиниш қийинчиликларини, грунт сувларининг шўрланишини, гидрогеокимёвий жараёнларнинг ўзига хослигини белгилаб беради.


Қорақалпоқ Устюрти худудида учта йирик ботиқлик кузатилади: Шимолий Устюрт, марказда – Борсакелмас ва жанубда – Асакаовдон. Уларни Ақтумсук ва Қорабовур қирлари ажратиб туради. Бу ерда энг юқори гипсометрик позицияни Қорабовур қирлари эгаллайди. Ер юзасининг максимал мутлақ баландлиги 320 м га етади, платонинг ўртача баландлиги эса 200 м. Энг паст участкалар Шимолий Устюрт депрессияси худудида 50–70 м, Борсакелмас ботиқлигида – 65 м ва Асакаовдонда – 27 м гача мутлақ баландликларда жойлашган.

Устюртнинг марказий қисмига яқинлашган сари рельефда Марказий Устюрт кўтарилиш зонаси пайдо бўла бошлайди. Унинг худудида рельефда аниқ ифодаланган гумбазсимон ва эгар шаклидаги майдонлар кенг тарқалган. Нисбатан текис, кучсиз ажралган юза Қорабовур қирларининг шимолидаги худудларда кичик поғоналар ва қолдиқлар, кичик ўлчамли ёпиқ котловиналар ва майда, лекин тез-тез учрайдиган тақирлашган ботиқликлар сабаб мураккаблашади. Қорабовур қирларидан Устюртнинг энг катта ботиқлиги Борсакелмасгача ер юзаси шимолга ва шимоли-шарққа қараб бироз қияликка эга. Бу ўша энг қадимги Тетис океанининг қолдиғи бўлиб, у сайёрамизда бошқа ҳеч нарса бўлмаган пайтда мавжуд бўлган. Борсакелмас шўрхогидаги туз эса ўша Тетиснинг кристалланган тузи бўлиб, мезазой даври иллари билан аралашган.

Устюрт худудининг жанубий қисмида баъзи жойларда баландлиги 40–50 метргача етадиган кескин тик ён бағирлари бўлган Асакаовдон ботиғи жойлашган. Рельефи асосан таркибида қум-гилли материал бўлган, кўп ҳолларда буталар атрофида тўпланган, ўрқачсимон қумлардан тузилган. Ботиқлик кенглик йўналиши бўйича 80 км га чўзилган (1-расм). Унинг шимолида Шохпахта котловинаси жойлашган. У ҳам кенглик йўналишига эга бўлиб, узунлиги 6 км ва кенглиги 3 км. Котловинада баландлиги 70 м ва ундан кўп бўлган кескин тик қияликлар мавжуд. Котловинанинг деворлари чуқур жарликлар билан кесилган, унинг периметри бўйлаб ҳамма жойда эрозия жараёнлари кузатилади. Қорақалпоқ Устюрти платоси худуди тик ён бағирлари бўлганлиги сабабли бутун юзаси бўйлаб турли баландликлардаги поғоналар ажралиб туради: чинкларда 160-210 м ва ёпиқ котловиналарда 50-70 м оралиғида. Иккала поғона ҳам деярли ҳамма жойда чуқур жарликлар билан ўралган. Барча ҳолатларда рельеф шаклланишининг яққол ифодаланган эрозион шакллари кузатилади. Бундан ташқари, бу жараёнлар ёмғирдан кейин ва қор эриши пайтида ҳосил бўладиган вақтинчалик оқимлар билан боғлиқ бўлган бироз қия сатҳларда ҳам яққол кўзга ташланади. Кичик жарликлар

чуқурлиги жойларда 1,0 м дан 2–2,5 м гача ўзгариб туради. Устюрт платосида доимий оқар сувларнинг гидрографик тармоғи йўқ.

Қорақалпоқ Устюртида тарқалган грунт сувларининг регионал ҳаракати фақат маҳаллий атмосфера ёғинларининг инфильтрацияси ҳисобига шаклланиши кўрсатилган. Оқимлар Ақтумсуқ, Қорабовур ва Гоклинкуюс каби тектоник кўтарилишларнинг қанотларида ҳосил бўлади ва улардан ер юзасининг пасайиши ва сув ўтказмайдиган қатламнинг ётишига мос равишда, кўтарилишлар ораллиғида жойлашган, шимолда – Асмотай Мотай, марказий қисмда – Борсақелмас ва жанубда – Асакаовдон тектоник ботиқликлари томон ҳаракатланади.



**1-расм. Геологик ва гидрогеологик жараёнлар ва ходисаларнинг тарқалиш схематик харитаси** (К.М.Джаксимуратов, М.М.Закиров, Д.К.Бегимкулов, Ғ.Э.Очиловлар тузишган, 2022 й.): 1 – сувсиз дарзланган оҳактошлар ва мергеллар; 2 – дарзланган карстланган мергеллар ва оҳактошлар; 3 – ғовак-дарзланган оҳактошлар ва мергеллар; 4 – чинқлар, қиялик жараёнларининг ривожланиш участкалари; 5 – кескин тик қияликли чинқлар; 6 – 2–10 м ли поғоналар ва жарлик ҳосил бўлиш участкалари; 7 – ерости сувларининг ички буғланиш участкалари; 8 – ерости сувларининг бўшаниш участкалари; 9 – ёриқлар чизиклари; 10 – тақир майдонлар; 11 – шўрхоқлар; 12 – кумлар.

Қорақалпоқ Устюрти платосининг юзасини ташкил этувчи тоғ жинсларининг дарзланганлиги ва карстланганлиги сабабли грунт сувлари оқимларининг атмосфера ёғинлари билан тўйиниши уларнинг бутун йўли

бўйлаб давом этиши тушунтирилган. Кўпгина ҳолларда атмосфера ёғинлари ўрганилаётган ҳудудда грунт сувлари сатҳининг 2-5 м амплитудали мавсумий тебранишларини келтириб чиқаради. Манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, оқим базиси йўналишида грунт сувлари сатҳининг ер юзасига аста-секин яқинлашиши ва сувли тоғ жинсларидан тузларнинг ювилиши натижасида сувнинг умумий минерализацияси ошади ҳамда оқим қалинлиги ва сарфининг аста-секин ортиши содир бўлади.

Қорақалпоқ Устюртида бироз кўпроқ мавсумий ёғингарчилик ва нисбатан паст буғланиш сабабли юзаки сувларнинг камроқ минераллашган (1–2 г/л), унча қалин бўлмаган (1–2 м оралиғида) тақир оқимлари ҳосил бўлиши кўрсатилган. Худди шундай ҳодиса тақир майдонларига ёғинлар ёғиш даврида тақир ости грунт сувларининг линзалари кўринишида ҳам кузатилади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот услублари**» номли учинчи бобида фаол сув алмашинуви зоналари чегараларини ажратиш услублари кўриб чиқилган. Аксарият муаллифлар гидродинамик зоналарни фақат гидрогеологик кесимнинг хусусиятларига кўра (сувли горизонтларнинг ётиш чуқурлиги, сувли тоғ жинсларининг ёши ва бошқалар бўйича) ёки ерости сувлари тарқалишининг умумий қонуниятлари бўйича ажратганлар. Бу бобда гидродинамик зоналарни ажратиш бўйича комплекс услубларнинг мавжуд тамойиллари қисқача баён қилинган. Ушбу комплекс услубларнинг асосий ғояларини куйидаги контекстда тезисли умумлаштириш мумкин:

1. Дастлаб, гидродинамик зоналарни ажратиш учун эрозия базисининг жойлашуви мезони ишлатилган.

2. Гидродинамик зоналар ҳақидаги маълумотлар базисининг ривожланиши билан уларни ажратиш учун сувнинг минерализация қиймати, кимёвий элементлар таркиби, инерт газлар нисбати ва ерости сувлари ҳаракат тезлигининг умумлаштирилган қийматлари ҳақидаги маълумотлардан ҳам фойдаланилган.

Атмосфера ёғинлари тақир оқими инфильтрациясининг шаклланиш жараёни модели MODFLOW (PMWIN) моделлаштириш тизими ёрдамида ишлаб чиқилган (Ж.Х.Жуманов, В.Н.Соколов, Г.Г.Есенбаев, 2005). Гидрогеологик жараёни моделлаштиришда VCF 2 – “Намланиш (ҳўллаш) имконияти” пакети ишлатилган, бу ерда сувнинг тақирдан ерости сувлари сатҳига инфильтрацияси ер усти ётқизиқларининг қатлами орқали ўтади ва сувли гумбаз шаклланиши содир бўлади.


Тақир ости сувларининг фаол сув алмашинуви зонасида атмосфера ёғинлари инфильтрацияси жараёнини моделлаштириш уч босқичда амалга оширилди:

1. Гидрогеологик табақаланиш методидан фойдаланиб, фаол сув алмашинуви зонасига ўрта ва юқори плиоцен, тўртламчи, юқори сармат ва тортон ётқизиқларининг ерости сувлари киритилган.

2. Ерости сувларининг геотермияси бўйича келтирилган таҳлил, Қорақалпоқ Устюрти ҳудудининг геотермик тавсифи ҳудуднинг геологик ва тектоник тузилиши ҳамда гидрогеологик шароитлари билан белгиланади, деб таъкидлаш имконини беради.

3. Тақир ости сувларининг фаол сув алмашинуви зонасида атмосфера ёғинлари инфильтрацияси жараёнини моделлаштириш масалаларини ечишда GMS (Groundwater Modeling System), FEFLOW (Finite Element Subsurface Flow & Transport Simulation Systems) ва MODFLOW (PMWIN) замонавий дастурларининг имкониятлари ва афзалликлари ўрганиб чиқилган. Фаол сув алмашинуви зонасида ерости сувларини моделлаштириш масалаларини ҳал қилишда MODFLOW (PMWIN) дастурий комплексидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.


Диссертациянинг «Қорақалпоқ Устюрти ерости сувларининг фаол сув алмашинуви зонаси фазовий чегаралари» номли тўртинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, уларда ерости сувларининг фаол сув алмашинуви зонаси фазовий чегараларини ҳам майдон бўйлаб, ҳам чуқурлик бўйича ўрганишнинг моҳияти ва кетма-кетлиги очиқ берилган. Бу умуман ер ости гидросферасини, хусусан, фаол сув алмашинуви зонасини параметрлашнинг маълум қийинчиликлари билан боғлиқ. Фаол сув алмашинуви зонасининг вертикал ва горизонтал (маълум бир шартлилик билан) ўлчамларини фарқлаш керак. Қорақалпоқ Устюрти фаол сув алмашинуви зонасининг геометрияси ушбу позиция нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Бунинг учун Қорақалпоқ Устюртининг фаол сув алмашинуви зонасида атмосфера ёғинларидан олинadиган чучук сувнинг ягона манбаи бўлган тақирларнинг шароитлари ўрганилган. Шу муносабат билан, атмосфера намлиги мумкин бўлган асосий кирим қисмини ташкил қилади ва фаол сув алмашинуви зонасида ерости сувларининг шаклланишини аниқлаштиришда катта аҳамиятга эга.



**2-расм. Қорақалпоқ Устюрти тақирининг схематик кесими** (К.М.Джаксимуратов тузган, 2021 й.): 1 – қудуқ ва унинг рақами; 2 – грунт сувлари сатҳи; 3 – фаол сув алмашинуви зонаси куйи қисми; 4 – фильтр жойлашиш чуқурлиги; 5 – оҳактошлар; 6 – мергеллар; 7 – шағал аралаш супесли ётқизиклар; 8 – дарзликлар; 9 – карстланган бўшлиқлар.

Қорақалпоқ Устюртида платонинг баланд участкалари – Ақтумсуқ ували, Қорабовур қирлари ва Гокленкуос ували ҳисобланади ҳамда улар юқори миоцен кучли дарзланган ва ковакли тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, атмосфера ёғинларининг интенсив филтрланишига қулайлик яратади ва тақир ости сувлари бўшанишининг асосий жойлари ҳисобланади (2-расм). Бу ҳолатда эркин сув алмашуви зонасининг геометриясини аниқлашда асосий

роль сармат яруси ( $N_1^3S$ ) юқори миоцен ётқизикларида дарзликлар ва карстланишларнинг тарқалиш чуқурлигига тааллуқли (3-расм).




**3-расм. Қорақалпоқ Устыуртининг схематик геологик-литологик харитаси** (М.М.Закиров, К.М.Джаксимуратов, Г.Э.Очиловлар тузган, 2022 й.): 1 – эоплейстоцен ётқизиклари (қумлар, гипс, галит ва хемотроп жинслар); 2 – эол ётқизиклари (чангли ва майда донадор қумлар); 3 – голоцен ётқизиклари (ўрта ва йирик донали қумлар бўлган ботқоқланган худудлар, гипс, галит ва бошқа хемотроп жинсларнинг қатламланиши); 4 – элювиал-делювиал ётқизиклар (йирик ва ўрта донали қумлар, чангли супесь ва суглиноклар, жойларда бўлакчи); 5 – бўлинмаган неоген-тўртламчи давр ётқизиклари (оҳактош ва мергеллардан таркиб топган гравий ва дресвалар аралаш йирик ва ўрта донали қумлар); 6 – миоцен-плиоцен (қумлар, мергеллар, оҳактошлар, гиллар); 7 – миоцен даври сармат яруси (оҳактошлар, мергеллар ва гипс қатламли гиллар); 8 – ўрта миоцен (гипс уяли мергелли гиллар ва мергелли оҳактош қатламлари); 9 – бўлинмаган палеоген (гиллар, мергеллар); 10 – юқори бўр ётқизиклари (гиллар, қумтош ва қум қатламчали алевролитлар); 11 – қудуқлар (1 – Урдебай; 2 – Риापай; 3 – Теренқудуқ; 4 – Ушбент; 5 – Сенгир; 6 – Турлибай; 7 – Бойтерек; 8 – Қувонишқазган; 9 – Бошчувок; 10 – Тезенқазган; 11 – Оқбойтол; 12 – Боришжон; 13 – Тузелбай; 14 – Қизилтом; 15 – Учқудуқ; 16 – Оқшуқир; 17 – Бойчағир; 18 – Лутибай; 19 – Уру; 20 – Суржа; 21 – Тошоёқ; 22 – Узунқуйи; 23 – Алпизқазган); 12 – саксовуллар ва саксовул чакалакзорлари; 13 – каньонлар, жарликлар ва чинклар; 14 – шўрхоқлар; 15 – вақтинчалик сув оқимлари; 16 – хемотроп ётқизиклар, тузли ботқоқликлар, қумлар, супесли тоғ жинслари, тузли қатламлар ва тўпланишлар (миробилит и галит); 17 – ёриқлар: а – Қорабовур; б – Шохпахта; 18 – аҳоли пунктлари.

Ерости сувлари фаол сув алмашинуви зонасининг юқори қисми тўғридан-тўғри сувга тўйинмаган аэрация зонаси билан чегарадош. Аэрация зонаси биринчи сувли горизонт учун сувда эрийдиган тузлар ёки техноген ифлослантирувчи моддалардан тузилган юза кимёвий элементларининг миграцияси нуктаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, фаол сув алмашинуви зонаси юқори қисмининг чегаравий шартлари ва жараёнларини вертикал йўналишда элементларнинг грунт сувлари сатҳигача миграцияси учун аэрация зонасининг ғовакли муҳит сифатидаги роли нуктаи назаридан кўриб чиқамиз. Ер юзасига яқин биринчи сувли горизонт миграциясининг элементар мантиқий схемаси учта ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат: 1) шўрланган тоғ жинсларининг ер юзасидаги манбаи; 2) ифлосланиш манбаи ва сувли горизонт ўртасида жойлашган аэрация зонаси; 3) сувли горизонт.

